O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**Q A R O R I**

**Р Е Ш Е Н И Е**
**ХОКИМА**
**Самаркандского района**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni
Tel.: (366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

й.г. «31» декабр                                                            № 1884-к

**“Кўштамғали” қишлок фуқаролар йиғини “Конигил агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фукаро Хайдаров Жамолиддинга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Пулимуғоб” маҳалласида яшовчи фукаро Хайдаров Жамолиддин туман ҳокими номига “Кўштамғали” қишлок фукаролар йиғини “Конигил агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1.“Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Пулимуғоб” маҳалласида яшовчи фуқаро Хайдаров Жамолиддинга “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конигил агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 860 контуридан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 83 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаролар Хайдаров Жамолиддинга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.